

САВОЛ: Кабр бошида тиловат килишликни макрух деб билар эдим. Дўстларим менга баъзи китобларни кўрсатиб, мана бу ерда ёзилишича, кабр бошида тиловат килса бўлар экан-ку, деб айтишмоқда. Яна, маййит кўмилганда, савол-жавоб пайтида каловланиб колар экан, шунинг учун хар кадамда ёки етти кадамда тиловат килиш керак, дейишмоқда. Мен уларга диннинг аслини, хакикатини тушунтирмоқчи бўлдим. Исбот, далил келтиролмаганим учун, улар гапимни хазм кила олишмаяпти.

ЖАВОБ:

КАБР УСТИДА ТИЛОВАТ ХАКИДА

Маъкил ибн Ясор розияллоху анхудан ривоят ки-линади:

«Набий (соллаллоху алайхи васаллам):

«Ўликларингизга «Йаасийн»ни кироат ки-линг», дедилар».

Абу Довуд, Насайй, Ахмад ва Ибн Хиббон ривоят килишган.

Шарх: уламоларимиз ушбу хадиси шарифни тушунишда уч хил ижтиход килганлар.

Баъзилари: хадисдаги «ўликларингизга» дейилганидан мурод «ўлим тўшагида ётганларингизга» дейилгани. Шунинг учун мухтажар кишига «Йаасийн» сурасини ўқиш керак. Бу сурада кайта тирилиш, киёмат, жаннат ва дўзах, шайтоннинг фитнасидан хазир бўлиш каби масалалар зикр килингани учун айнан шу сурани ўқишга амр килинган, дейдилар.

Бу гуруҳдаги уламоларнинг машхурлари имом Молик ва имом Шофеийдир.

Иккинчи тоифа уламолар имом Ахмад ибн Ханбал, Ханафийлар, баъзи Моликий ва Шофеийлар бўлиб, улар: «Кироат ўликлар учунгина килинади, деганлар ва ўз гапларига ушбу хадисни ва Ислом умматининг амалини хужжат килиб келтирганлар. Шу билан бирга, ўз нуктаи назарларини куйидагича шархлаганлар:

1. Хадисда «ўликларингизга» дейилган, «ўлим тўшагида ётганларингизга» дейилган эмас. «Ўлик» хакикатда ўлиб бўлган шахсга ишлатиладиган лафздир. «Ўлик» сўзини ўлим тўшагида ётган кишига ишлатиш учун кўшимча далил ёки ишора керак. Бу ерда у нарса йўқ. Имом Шавконий шуни айтади:

«Ал-Муҳиб ат-Тобарий:

«Мазкур хадисга умумий жихатдан амал килиш хакқдир. Буни Доракутний келтирган куйидаги хадис ҳам кўллайди:

«Ким кабристонга кириб, «Кул хуваллоху ахад»ни ўн бир марта ўқиб, савобини ўликларга багишласа, унга ўликлар ададича ажр берилади», дейилган», дейди.

2. Кироатниг хикматларидан бири енгиллик келтиришдир. Бу нарса мухтажарга матлуб бўлганидек, маййитга ҳам матлубдир.

«Муснадул Фирдавсда»: «Кайси бир ўлик ўлгандан кейин унинг олдида «Йаасийн» кироат килинса, Аллох унга, албатта, енгиллик беради», дейилган.

Имом Ахмад: «Машойихлар: «Қачон маййит учун «Йаасийн» кироат килинса, унга

енгиллик берилади», дер эканлар», деган.

3. Жаноза намозида «Фотиха» сураси ўкилишига киёс килинади.

4. Хадисларда кабрларни зиёрат килишда ўлик-ларга салом бериш талаб килинган. Агар майит башарнинг каломи бўлмиш саломдан унсу улфат топар экан, нима учун Аллохнинг каломидан унс олмаслиги керак?!

5. Куръон кироат килинган жойда сакийна ва рахмат нозил бўлиши маълум ва машхур. Нима учун майит бор жойга сакийна ва рахмат нозил бўл-маслиги керак экан?!

6. Хадиси шарифда ривоят килинганки, сафарга чиккан бир одам билмасдан кабр устига қапа тикиб олади. Кейин кабр ичидаги инсон «Таборақ» сурасини охиригача кироат килганини эшитиб, буни Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га зикр килинганда, у Зот:

«У, (Таборақ сураси) манъ килувчидир. У, нажот берувчидир. Унга кабр азобидан нажот беради», деганлар.

Ўликнинг кабр ичида туриб Куръон кироат килгани собит бўлганидан кейин, тириклар кабр устида туриб кироат килишларини нима учун манъ этиш керак?!

Кироатни манъ килувчи ҳеч қандай далил йўқ. Маълумки, шариат бўйича бирор ишни килишга ҳам, килмасликка ҳам далил-ҳужжат бўлиши керак. Ўликка кироат килишни манъ қиладиган далил йўқ. Ушбу тоифа уламолар: «Бу гаплар кироати Куръон килиб савобини бағишлаганда айтиладиган гаплардир, агар савобини бағишлайдиган бўлса, бу гапларга ҳам ўрин қолмайди, чунки унда дуо маъносига айланади, дуодан майит манфаат олишини ҳеч қим инкор қила олмайди», дейдилар.

Имом Жалолуддин Суютий ўзларининг «Шарҳис-Судури бишарҳи холил мавта вал кубури» номли китобларининг «Дафн пайтида айтиладиган нарсалар боби»да, жумладан, қуйидагиларни келтирадилар:

«Тобароний ва Байҳакийлар Ибн Умар (розияллоху анху)дан ривоят қиладилар:

«Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг: «Қачон бирингиз вафот этса, уни ушлаб турманглар. Уни кабрига тезроқ элтинглар. Унинг бош тарафида «Фотиха»ни, оёқ тарафида эса «Бақара»нинг охирини кабрига кироат килинсин» деганларини эшитганман», деди».

Байҳакийнинг лафзида:

«...бош тарафимда «Бақара»нинг аввали ва охирини кироат килинглр», дейилган.

Тобароний Абдурроҳман ибн ал-Алаа ибн Лаж-лождан ривоят қилади:

«Отам менга «Қачон мени лаҳадимга қўйсанг, «Бисмиллаҳи ва ала миллати Расулиллаҳи (соллаллоху алайхи васаллам)», дегин. Сўнгра устимга тупроқ тортгин. Кейин бош тарафимда «Бақара»нинг аввали ва охирини кироат қилгин. Мен Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) шуни айтганларини эшитганман» деди».

Яна ўша китобнинг «Майитга ёки кабрига Куръон кироат қилиш боби»да имом

Жалолиддин Суютий (рахматуллоҳи алайҳи) қуйидагиларни ёзадилар:

«Мусулмонлар барча асрларда ҳеч қандай инкорсиз жамланиб ўликларига кироат қилиб келмоқдалар. Бас, бу нарса ижмоъ бўлади. Буларнинг ҳаммасини Хофиз Шамсуддин Абдул Воҳид ал-Макдисий ал-Ханбалий шу масала бўйича таълиф қилган жузъида зикр қилган.

Кабрга кироат қилишга келсак, унинг шариатда борлигига бизнинг асхобларимиз ва бошқалар жазм қилганлар.

Аз-Заъфароний: «Шофеий раҳимахуллоҳдан кабр олдида кироат қилиш ҳақида сўрадим.

– Ҳечқиси йўқ, деди.

Имом Ахмад ибн Ханбал буни аввал инкор килар эди. Чунки унга бирор ривоят етмаган эди. Унга ривоят етганида, ўз фикридан кайтган».

Имом Жалолуддин Суютийнинг «Шархис-Суду-ри бишархи холил мавта вал кубури» номли китобида зикр килинган имом Ахмад Ибн Ханбалга кабр устида кироат килишга хужжат бўлган ривоятнинг кандок етганини шайх Абдулфаттох Абу Гудда (рахматуллохи алайхи) «Саласу расоила фий истихбоби дуои ва рафхул ядайни фийхи баъдас-саловотил мактуба» номли китобга ёзган мукаддимада ўқиймиз:

«Ибн Кайюм «Китобур-рух»нинг аввалида (51-бетда) зикр килади: «Ал-Халлол айтди: «Хасан ибн Ахмад ал-Варроқдан, у Али ибн Мусо ал-Хаддоддан ривоят килади: «Ахмад ибн Ханбал ва Мухаммад ибн Кудома ал-Жавхарий билан бирга жанозада эдим. Маййит дафн килинганида, бир кўр киши кабр ёнида ўтириб кироат кила бошлади. Шунда Ахмад унга:

«Эй сен! Кабрнинг ёнида кироат килиш бидъатдир!» деди.

Макбарадан чикканимизда Мухаммад ибн Кудома Ахмад ибн Ханбалга:

«Эй Абу Абдуллох! Мубашшир ал-Халабий хаки-да нима дейсан?» – деди.

«Ишончли одам», – деди.

«Ундан бирор нарса ёзганмисан?» – деди.

«Ха», – деди.

«Мубашшир менга Абдурроҳман ибн ал-Алаа ал-Лажлождан, у ўз отасидан хабар берди.

Ўша одам дафн килинганидан сўнг бош тарафида «Бакара»нинг аввали ва охирини ўқишни васият қилган ва Ибн Умарнинг шундок васият қилганини эшитганман, деган экан», – деди.

Шунда Ахмад унга:

«Кайтиб бориб халиги одамга айт, кироат килаверсин», – деди».

Имом Ахмадни Аллох раҳмат қилсин. У билан хаккнинг орасида адоват йўк эди» (7-8-бетлар).

Хар кадамда ёки етти кадамда кироат килиш хакидаги гаплар асоссиэ.

Аммо маййит кабрга қўйилгандан кейин руҳи унга кайтиб кириши, Мункар ва Накирнинг уни дину иймонидан сўроққа тутиши бор гап.

Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) ҳам маййитга сабот сўраб дуо килишни таълим берганлар.

Усмон (розияллоху анху)дан ривоят қилинади:

«Набий (соллаллоху алайхи васаллам) қачон маййитнинг дафнидан фориғ бўлсалар, унинг (кабри) устида туриб:

«Биродарингиз учун истиғфор айтинг. Унга сабот сўранг. Чунки хозир у сўралади», дер эдилар».

Абу Довуд ва Баззор ривоят қилишган, хоким сахих деган.Валлоху аълам.